

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 3-avgust, shanba № 59 (15697)

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Navqiron avlod so'zi

Ғалабага ундаган куч

Бу йил мен учун кутган ва қутилмаган ютуқларга бой бўлди. Бу ҳақида тенгдошларимга гапириш, таассуротларимни улар билан ўртоқлашиш мароқли.

Андижон вилояти Шахрихон туманининг Кушқўноқ қишлоғидаги 42-мактабда ўқиганман. Бешинчи синфдан туманимиздаги 53-ихтисослашган мактаб-интернатда ўқишни давом эттирдим. Тўққизинчи синфда вилоят фан олимпиадасида кимёдан биринчи ўринни олдим. Бу биринчи ва келгуси муваффақиятларга эришишимга тамал қўйган муҳим ғалабам эди.

Кимёга қизиқиш, улкан мақсадларга астойдил интилиш мени пойтахтга, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиiddинов номидаги академик лицейга етаклади. Унда Ойбек Холиқов, Раъно Жўраева каби тажрибали, ўз соҳасини пухта эгаллаган устозлардан сабоқ олдим. Биз, ёшларга муҳайё этилган шароитлардан фойдаланиб, кимё бўйича билимимни оширдим.

Юртимиздаги беқиёс имкониятлар, таълимга қаратилган эътибор ва устозларимиз меҳнати бу йил яққол бўй кўрсатди. Шу йилнинг 24 — 30 апрель кунларида Тошкентда кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда биз, ўзбекистонлик ёшлар муваффақиятли иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладик. Ғолиб тенгдошларим қаторида олтин медаль билан тақдирландим.

15 — 24 июль кунлари Москвада бўлиб ўтган 45-олимпиада ҳам ҳаётимда ёрқин из қолдирди. У нуфузи, миқёси бўйича йирик беллашув. Шунга яраша ундаги масала ва топшириқлар ҳам хийла мураккаб, кишидан чуқур билим ва изланишни талаб этади. Биз, ўзбекистонлик ёшлар дунёнинг етмиш етти давлатидан келган иқтидорли тенгдошларимиз билан муносиб беллашиб, бир олтин, икки бронза медални қўлга киритдик. Бронза медаллардан бирининг соҳиби мен бўлдим.

Бугун эришган ютуқларимни сарҳисоб қиларканман, кўнглимдан Ватанимиздан, бизга юксак эътибор қаратаётган Президентимиздан миннатдорлик туйғуси ўтади. Агар чуқур билим олишимиз учун бу қадар замонавий шароитлар бўлмаганда, дунё кўриб, тенгдошларимизга ўз салоҳиятимизни намоён эта олмаган бўлардик.

Айни пайтда академик лицейни тамомлаб, Тошкент тиббиёт академиясига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим. Бу ҳам катта имконият. Келгусида мақсадларим кўп. Улардан бири кимё бўйича олган билимларимни тиббиётга татбиқ этиб, юртимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожига муносиб ҳисса қўшишдир. Чунки бизни бу марраларга Ватанимиз йўллади!

Билолиддин ШАРОБИДДИНОВ,
Кимё фанидан 45-халқаро олимпиада совриндори



НАВОИЙ ШАХРИҲА ШАХРИФ

*Хислатини тасароф бу, соодатини ёр,
Буғ гуллар кўй, қадим кўйишдан олдин.
Олтин бот манзилда Навоийи тойдор,
Навоийи бот фойда қилмадиқ олтин.*

*Сўз ва олтин... Бағри ёр бағрида ваф,
Бағри эл қалбида муваффиқ, тилло,
Олтинни қидирсан — Навоийи бағро,
Навоийи илҳом, шогирди шайло!*

Саъдулла ҲАКИМ

Билимлар синовдан ўтди

1 август куни республикамиздаги олий таълим муассасаларида тест синовлари бўлиб ўтди. Жорий йилда қабул комиссиялари томонидан жами 480447 нафар абитуриентдан хужжат қабул қилинган. Бу аввалги йилларга қараганда рекорд кўрсаткичдир. Улардан фақат 56722 нафари янги ўқув йилида талаба бўлиш бахтига эришади.

Ҳар галгидек Давлат тест маркази бошчилигида олий таълим муассасалари томонидан тест синовларини ўтказишга пухта ва жиддий тайёрлик кўрилди. Бунда асосий эътибор абитуриентлар томонидан шпаргалка ва шпаргалка воситаларининг олиб кирилмаслигига қаратилди. Шу мақсадда аудиторияга киришдан олдин ҳар бир абитуриент мукамал тек-

ширувдан ўтказилди. Эслатиб ўтиш керак, қабул жараёнига оид тартиб-қоидаларга кўра, тест синовлари ўтказиладиган бинога микрокалькулятор, китоб, луғат, жадвал, шпаргалка, уяли телефон каби алоқа воситаларини олиб кириш ва улардан фойдаланиш қатъиян тақиқланган. Бундай қоидабузарлик учун абитуриент тест синовларидан чет-

Тестдан четлаштирилишга асос бўлувчи яна бир сабаб хужжатларни қалбакилаштириш ҳисобланади. Бу ҳолатда абитуриентнинг хужжатлари ўрнатилган тартибда хуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилади. — Хужжатларимни Тошкент ахборот технологиялари университети тига топширдим, — дейди қашқадарёлик тенгдошимиз Убайдулла Юсупов. — Бу менинг ўқишга кириш учун биринчи уринишим. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси иқтисодиёти ва менежменти таълим йўналишини танладим. Мазкур йўналишга 700 дан зиёд абитуриент хужжат топширган. Ўқишга эса фақат эллик нафари қабул қилинади. Биламан, рақобатни енгиш осон эмас. Шу боис имтиҳонга пухта тайёрлан-

дим. Математика, она тили ва адабиёт, инглиз тили фанларидан тест топширдик. Тест синовлари жараёнида назорат қаттиқ бўлди. Бинога кираётганда бир нечта абитуриент шпаргалка ва уяли телефон билан «қўлга тушган»ини ўз кўзим билан кўрдим. Кўплари шпаргалка ва алоқа воситаларини оёқ кийими ичига яширган. Гуруҳимизда бир бола телефондан фойдаланишга урингани учун аудиториядан чиқариб юборилди. У ўз тузоғига ўзи илинди. Мана, энди бир йил қилган ишидан пуншаймон еб юради. Бу каби хийла-найранглар барибир яхшиликка олиб келмайди. Тестни ўз билиминг билан ечиб, натижасини ҳалоллаганингга нима етсин?!

Наргиза БАҲОДИРОВА

Hududlardan mujdalar

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Пскент туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Мустақиллик — менинг тақдиримда» шиори остида спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақада тумандаги Навоий, «Митан», «Майил-обод», «Бирлик» маҳаллаларидаги ўсмирлар юнон-рум кураши бўйича тўрт вазн тоифасида, олти ёшдан ўн икки ёшгача бўлган қизлар эса, бадий гимнастика бўйича ўзаро беллашди.

Якуний натижаларга кўра, юнон-рум кураши бўйича биринчи ўринни С.Абдужалилов, бадий гимнастика бўйича М.Қодиржонов эгаллади.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Бойсун туманидаги «Болажон» истироҳат боғида «Қадрқимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида тумандаги етмиш бешта маҳаллада истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида тадбир ташкил этилди.

Болалар туман маданият уйининг хушовоз хонандалари ижросидаги куй-қўшиқларга мазза қилиб рақсга тушишди. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан эртақлар асосида тайёрланган сахна кўринишлари ҳамда сардорлар кенгаши аъзоларининг чиқишлари, қизиқарли интерфаол ўйинлар болаларга бир олам қувонч бағишлади.

Болалар тадбир давомида боғда сайр қилиб, аргимчоқда учишди, ширин музқаймоқлару яхна ичимликлардан баҳраманд бўлишди.

* * *

Истиқлол айёми олдидан Термиз туманида ҳам тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Туман ҳокимлиги ва «Камолот» ЁИХ Термиз тумани кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тантанавий вилоятнинг турли қорхона ва ташкилотлари, таълим муассасаларида хизмат қилаётган ёшлар, тумандаги касб-ҳунар коллежлари ва мактаблар ўқувчилари иштирок этди.

Пойтахтдан борган Ўзбек Миллий академик драма театри актёрларининг чиқишлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият улашди.

Ҳар зарра тунпрофинг азиЗ

Кўл телефоним жиринглаб қолди. Олсам, кимдир: «Ассалому алайкум, мен Қашқадарё «Камолот»иданман... «Муборакнефтверг»дан бир гуруҳ ёшлар пойтахтга келишган, улар соат 17:00 да Мустақиллик майдонида бўлишади. Вақтингиз бўлса, улар билан учрашсангиз», деди. Ўзини Маҳлиё, деб таништирган «Камолот»чи қизга етиб боришимни айтдим...



Ушбу саёҳат мустақиллигимизнинг 22 йиллиги олдидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Муборакнефтверг» унитар-шўба қорхонаси бошланғич ташкилоти ташаббуси билан «Қадрқимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида ташкил этилди. Саёҳат давомида қорхонанинг мажмуа, кон,

участка ва бўлимларида меҳнат қилаётган илғор ёш мутахассислар тўрт кун давомида Самарқанд ва Тошкент шаҳрининг тарихий обидалари, муқаддас қадамжолари ва мустақиллик йилларида барпо этилган замонавий иншоотлари билан яқиндан танишишди.

— Анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган саёҳат

дастурига қорхонада ишлаётган беш мингга яқин ходим орасидан энг илғорлари танлаб олинган, — дейди «Муборакнефтверг» УШҚдаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Шарофиддин Нашванқулов. — Ўзаро ҳамжиҳатлик бўлмаган жойда яхши натижаларга эришиб бўлмайди. Бизда қорхона маъмурияти, касабаяшмаси ҳамда бошланғич ташкилот ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Шу сабаб бундай лойиҳалар доимий равишда ўтказиб келиняпти. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида қорхона ходимлари ўртасида мини футбол бўйича «Камолот» кубоги ҳамда қорхона биринчилиги учун миллий кураш мусобақаси ташкил этилади. Йил якунида ишлаб чиқаришда алоҳида ўрнатқурсатаётган ёшларни аниқлаш мақсадида «Йилнинг энг фаол ёшлари» танлови ўтказилади.

Саёҳатчилар дастлаб Самарқанд шаҳрида бўлиб, у ерда Гўри Амир, Бибиҳоним ёдгорликлари, Регистон майдони, Мирзо Улуғбек расадхонаси, Шоҳи Зинда зиёратгоҳи каби тарихий обидалар, «Йўлбарслар» хиёбони, «Сиёб» бозори ҳамда истиқлол йилларида бунёд этилган иншоотларни томо-

ша қилишди. Сўнг Тошкент шаҳрига йўл олишди. Саёҳатчилар пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Хастимом» мажмуаси, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси, Алишер Навоий театри, Тошкент телеминораси, Тошкент ҳайвонот боғи, Амир Темур хиёбони, Фафур Фулом ва Алишер Навоий номидаги истироҳат боғлари каби диққатга сазовор жойлар ҳамда замонавий иншоотлар, шунингдек, «Бунёдкор» стадионида бўлишди.

— Саёҳат зўр ўтаяпти, — дейди қорхонанинг «Ўртабулоқ — денгизкўл» мажмуаси чилангари Руслан Турсунов. — Бунинг учун, аввало, қорхона маъмуриятига, «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотига миннатдорлик билдираимиз. Аждодларимиздан мерос тарихий обидалар, худудларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишяпмиз. Бундай саёҳатлардан сўнг янада фаолроқ ишлагинг келади.

Саёҳат давомида қорхона ёшлари иштирокидаги маданий тадбирлар саёҳатнинг янада мазмунли ўтишини таъминлади.

Рустам ЮСУПОВ,
«Turkiston» мухбири

Тўғри йўл сари камта қадам

«Камолот» ЁИХ Сирдарё вилояти кенгаши томонидан ички ишлар идораларининг профилактик ҳисобида турган вояга етмаганлар учун Сирдарё туманида спорт соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилди.

Оромгоҳга етмиш нафар бола жалб этилди. Улар маънавий-маърифий тадбирлар, қизиқарли учрашувлар, спорт мусобақаларида қатнашишди. Лойиҳа давомида болалар ўртасида шахмат, шашка, футбол, волейбол, сузиш бўйича спорт мусобақалари, «Қувноқ эстафета», «Ким эпчилу ким чаққон?» ўйинлари, «Сиз «Камолот»ни биласизми?» викторинаси ўтказилди.

Болалар ИИБ ходимлари билан ҳам учрашишди. Бундай учрашувлар давомида катта инспектор, майор Д.Мусоқова, капитан У.Қаюмов ва бошқалар лойиҳа иштирокчиларига чегарабузарлик, ўғрилиқ, безорилиқ каби жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари юзасидан тушунтириш ишларини олиб борди. Савол-жавоблар асносида болалар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Спорт соғломлаштириш оромгоҳи дастурига маданий тадбирлар ҳам киритилган. Хусусан, болалар маданий дам олишлари учун оромгоҳда Сирдарё тумани маданият ва спорт ишлари бўлими томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Шунингдек, оромгоҳда ОИВ ва ОИТСнинг олдини олиш бўйича семинар-тренинг ҳам ташкил этилди. Бунда вояга етмаганлар касалликларнинг юқиш йўллари, улардан сақланиш чо-



ралари тўғрисида маълумот олишди. Семинар-тренинг якунида мавзу юзасидан тест олинди.

Сирдарё тумани чегара қўшинлари билан учрашув ҳам болалар учун мазмунли ўтди. Айниқса, ўқотар қуроллар, ҳарбий отлар ва жониворлар, итларнинг кўргазмали чиқишлари уларда катта таассурот қолдирди. Барча болалар ҳарбий либосни кийиш, юрттинчилигини ҳимоя қилиш ва Ватан учун муносиб фарзанд бўлиш орзусида эканликларини айтишди.

Ушбу учрашувдан сўнг «Ҳар томчида ҳаёт мужассам» экологик акцияси ташкил қилиниб, ён-атроф ободонлаштирилди, барча дарахт ва кўчатлар суғорилди ва таги юмшатилади.

«Етакчи» ёшлар ўқув маркази мутахассислари томонидан «Ёшларни касбга йўналтириш» мавзуида ташкил қилинган ўқув семинари ҳам қизиқарли ўтди. Тест саволлари, турли ўйин-

лар ва баҳс-мунозаралар орқали болаларда эртанги кунга ишонч йўғониб, улар келгусида қайси касб эгаси бўлиши ва қайси олий таълим муассасасида ўқиши ҳақида мулоҳаза юритишди.

Оромгоҳнинг ёпилиш маросимида «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят ИИБ ва прокуратураси масъул ходимлари иштирок этишди. Лойиҳада фаоллик кўрсатган 58 нафар болага профилактик ҳисобдан чиқариш учун тавсияномалар берилди. Шунингдек, спорт мусобақаларида голиб бўлган иштирокчиларга ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Элёр ЖўРАЕВ,
«Камолот» ЁИХ Сирдарё
вилояти кенгаши матбуот хизмати
етакчи мутахассиси

Уларни меҳнат бирлаштирди

— Беш кун олдин мен билан ҳамқишлоғимиз Жўрабой «Бунёдкор»га аъзо бўлудик. «Беклар» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Шўробод» аҳоли пунктида олиб борилаётган қурилиш ишларига қўмаклашдик. Бугун беш кунлик иш ҳақимни беришди. У ерда янги уй-жойлар қурилаяпти. Иш қўп. Юр, сен ҳам бизга қўшил, — деди Баҳодир дўсти Миржонга.

Миржон анча ўйланиб турди-да: «Ҳа, майли, ҳар беш кунда маош берса, сенга эргашганим бўлсин», — деди. У дўсти Баҳодирга эргашиб, хато қилмаган эди.

Бу йил «Камолот» ЁИХ Бухоро вилояти кенгаши Миржонга ўхшаган 409 нафар уюлмаган ёшларни, уч юз нафардан зиёд талабани «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати атрофида бирлаштирди. Ёшлар меҳнат ҳаракати фаолиятини ташкил этиш бўйича маҳаллаларда икки юзта, таълим муассасаларида олтмиш тўққизта ишчи гуруҳ шакллантирилди. Натижада Бухоро муҳандислик-технология институтидан юз нафар, Бухоро давлат университетида бир юз эллик нафар, Бухоро тиббиёт институтидан ўттиз беш нафар, Тошкент ирригация ва мелiorация институтининг Бухоро филиалидан ўттиз нафар талаба турли меҳнат объектиларида мавсумий ва доимий иш ўринларига эга бўлди.

— Бу йил «Бунёдкор»

ёшлар меҳнат ҳаракатида 780 нафар ёш 38 та меҳнат объектида иш олиб бораёпти, — дейди Ҳаракатнинг Бухоро вилояти кенгаши раиси Жамол Носиров. — Эътиборни кўпроқ маҳалла ёшларини меҳнатга жалб этишга қаратдик. 2013 йил дастурига мувофиқ вилоятда лойиҳа қиймати 14 миллиард 820 миллион сўм бўлган 114 та намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши режалаштирилган. Шундан 94 таси Когон туманидаги «Шўробод» даҳасида қурилади. Уларни бунёд этишда «Бунёдкор»чилар кучи, меҳнати асқотмоқда. Ҳозир «Замона махсус қурилишмонтаж» ИТКМЧЖ ва «Замона монтаж-таъмирлаш қурилиш» МЧЖ пудрат ташкилотлари томонидан моддий таъминланиб келган ёшлар шижоати билан барча қулайликларга эга бўлган 22 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Олот туманидаги «Арабхона» МФЙ ҳудудида



«Олоттаъмир саховати» МЧЖ каби қурилиш ташкилотлари томонидан барпо этилаётган уй-жойларнинг ҳар бирида 25-30 нафарга яқин «Бунёдкор»чилар мавсумий иш билан таъминланди. Вобкент тумани «Работохун» МФЙ, «Кўнғирот» ҚФЙ, Шифиркондаги «Боғи афзал» ҳамда «Армечан» ҚФЙлар ҳудудида бунёд этилаётган намунавий уй-жойлар юзлаб ёшлар ғайрати билан манзилларга ободлик, кўрк бахш этаётир. «Камолот» ЁИХ вилоят кенгашининг Васийлик кенгаши «Бунёдкор»чилар фаолиятини қўллаб-қувватлаяпти.

Қоракўл туманининг «Хўжалар» аҳоли пунктида ҳам ёшларнинг бунёдкорлик ишлари авжида. Бу ерда фаолият кўрсатаётган пудратчи ташкилотлар, жумладан, «Русаймер» масъулияти чекланган жамияти жамоаси кейинги ойларда қурилиш суръатини оширди. Эътиборлиси, бу ердаги «Бунёдкор»чиларнинг кўпи маҳаллалардаги уюлмаган ёшлардир.

— Гуруҳимиз аъзолари турли қишлоқлардан келган, — дейди гуруҳ сардори Одил Холмуродов. — Илгари доимий иш жойига эга бўлмаган, лекин гишт терришда, бетон қуйишда, пайвандчиликда тажрибаси бор

бу йигитлар қурилиш майдонида ўз ўринларини топишди. Айниқса, Зафар Қўлдошев, Сўҳроб Адиев, Равшан Бердиев, Мурод Ҳамроев тенгдошларига ўрнатилди.

— Уюлмаган ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил қилишда маҳаллалар билан ҳамкорлигимиз яхши самара берди, — дейди «Камолот» ЁИХ Ромитан тумани кенгаши раиси Феруз Ҳамроев. — Ҳозирги пайтда саксон нафардан зиёд йигитлар тўртта қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида қад ростлаётган уй-жойлар қурилишида фаол иштирок этаяпти. Бунда пудратчи ташкилотлар уларнинг унумли меҳнат қилиши учун зарур шароитларни яратиб бераёпти.

Қувонарлиси, қурилиш ташкилотлари раҳбарлари тўрт ойдан буён мавсумий ишга жалб этилган ёшларнинг айримларини кейинчалик доимий ишга таклиф қилишни мўлжаллаб турибди. Айни кунларда улар 244 нафарга етди. Бу эса «Камолот» ЁИХнинг ёшлар ҳаётидаги ўрни яна бир қарра мустаҳкамланганидан нишондир.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» муҳбири

Hududlardan mujdalar

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги муносабати билан вилоят ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бошқармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят филиали, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, «Навоий дори-дармон» ОАЖ, Қизил ярим ой жамиятининг вилоят кенгаши, Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролар форуми вилоят жамоатчилик кенгаши ҳамкорлигида «Саломатлик автобуси» лойиҳаси ташкил этилди.

«Саломатлик автобуси» ўн беш кун давомида Учқудук, Томди, Конимех, Нурота, Хатирчи туманларида бўлиб, аҳолини бепул тиббий кўриқдан ўтказди. Лойиҳа аъзолари жойларда аҳоли билан мулоқотда бўлиб, соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун нимага эътибор қаратиш зарур эканлигини тушунтиришди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлик» истироҳат боғида «Баркамол ёшлар — обод турмуш кафолати» мавзуида ёшлар форуми ўтказилди.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ҳамда «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур форум доирасида шахмат, арқон тортиш, тош кўтариш мусобақалари ўтказилди, ёш хунармандлар кўргазмаси, ўзбек жанг санъати федерацияси аъзоларининг кўргазмалари чиқишлари намойиш этилди.

Эстрада хонандалари ижросидаги куй-қўшиқлар форум иштирокчиларига байрам шукуҳини улашди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сайхунобод туманидаги қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежида шашка бўйича мусобақа ўтказилди.

Мусобақада халқаро турнирларда қатнашган ёш спорт усталари ва хаваскор шашкачилар иштирок этди. Тадбирда «Камолот» ЁИХ Сайхунобод тумани кенгаши раиси Ш.Баратов ва бошқалар ўз соҳалари бўйича туманда олиб борилаётган ишлар ҳақида гапиришди.

Мурасасиз кечган баҳсларда учта ёш тоифаси бўйича голиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга эсдалик совғалар топширилди.

Ғайратни камар қилиб...

Айни пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида «Бунёдкор» талаба-ёшлар меҳнат ҳаракати ўз фаолиятини давом эттирмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ушбу йирик лойиҳаси Сурхондарё вилоятида ҳам уюшқоқлик билан ташкил қилинмоқда.

Жорий йилги мавсумда меҳнат ҳаракатига вилоятдаги жами 1692 нафар ёш жалб этилди. Меҳнат гуруҳлари талабалар ҳамда маҳаллаларда истиқомат қилаётган ёшлардан шакллантирилган. Сурхондарёлик «Бунёдкор»чилар, асосан, қурилиш ва ободонлаштириш ишларида иштирок этишмоқда.

Айтиш керакки, истиқлол байрами арафасида воҳада кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилаяпти. Меҳнат ҳаракатига бириккан йигит-қизлар бундай хайрли тадбирга муносиб ҳисса қўша олаётгани айни муддаодир.

Сурхондарё вилоятида «Бунёдкор» талаба-ёшлар меҳнат ҳаракати янги ўқув йилининг бошланишига қадар давом этади.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Осойишталик шукронаси

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши ташаббуси билан вилоятнинг барча гўшаларида, маҳаллаларида, меҳрибонлик ва саховат уйларида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маданий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Самарқанд шаҳридаги «Аэропорт» маҳалласида ташкил этилди. Тадбир бошланишидан олдин карнай-сурнай овози бутун маҳалла аҳлини, ёшу қарини тадбирга чорлади.

Тадбир доирасида шахмат, шашка,

футбол, арқон тортиш, тош кўтариш каби мусобақалар, расмлар кўргазмаси ҳамда байрам концерт дастури ташкил этилди. Тадбирда уч юздан ортиқ маҳалла фуқаролари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тадбир доирасида ташкил этилган турли спорт мусобақалари ёшлар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

— Бугунги тадбир менга жуда ёқди, — дейди Самарқанд шаҳридаги 40-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Моҳинур Аҳмаджонова.

Тадбирнинг музика қисмида шоиру ёзувчиларнинг чиқишлари, самарқандлик таниқли санъаткорлар ижросидаги қўшиқлар барчага хуш ёқди.

Жасур РАҲМОНОВ,
«Turkiston» муҳбири

Ҳаёт ва ижод завқу

Истиқлол тенгдоши — Ислон Юсупов устахонасига кирар эканмиз, тупроқ иси — она замин тароватини туйдик. У лойдан нафис буюмлар, турли ҳолатлар акс этган ҳайкалчалар ясайди.

Улардан бирида шундай ҳолат ифодаланган: чойхонада оқсоқоллар гурунглашиб ўтирибди. Дўппи кийган, юзларидан нур ёғилиб турган чойхоначи дастурхонга ош тортмоқда. Кимдир нон-чой, яна кимдир тарвуз-қовун кўтариб, меҳмонларга иззат-эҳтиром бажо келтирмоқда. Уларнинг чеҳрасида самимий кулги, хотиржамлик зоҳир.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида бебаҳо меросимиз ва миллий қадриятларимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар самарасида миллий хунармандлар ижодига кенг йўл очилди. Усталар қадди ва қадри

юксалди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони бунда муҳим омил бўлмоқда.

Буни ёш хунарманд Ислон Юсупов ижоди мисолида ҳам кўриш мумкин. Уч йил олдин Матлуба Умарова ўғли Ислон билан кичик устахона очиб, мўъжаз ҳайкалчалар ясаш билан шуғуллана бошлади. Бу бир қарашда оддий иш, аммо инсондан сабр-тоқат, кунт ва нозик дид талаб қилади. Чунки не-не машаққат билан яралган санъат намунаси охириги босқич — бўяш жараёнида биргина қалтисроқ ҳаракат туфайли зарар кўриши ҳеч гап эмас.

— Аждодларимиз моҳир кулол ўтган, — дейди М.Умарова. — Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, кўксимизга шамол тегди. Бугун хунар эгаллайман, аждодларим йўлини давом эттираман, деган ёшларга барча имконият яратилган, уларнинг истезьдо-ди ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Устахонада олти нафар ёш



кулолчилик сирларини ўрганмоқда. Улар ясаган маҳсулотлар юртимизда фаолият юритаётган сайёҳлик агентликлари, таълим муассасалари, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохбчалари, хорижлик сайёҳлар ўртасида жуда харидорғир.

Матлуба опа Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида бўлиб ўтган «Асрлар садоси» маданият фести-

валларида иштирок этди. Ўғли Ислон эса «Ташаббус — 2013» кўрик-танловининг шаҳар босқичида, Обод турмуш йилига бағишлаб ўтказилган ёш кулоллар республика кўرғазмасида ўз маҳсулотларини намойиш қилди.

— Сопол ҳайкалларимизнинг ўзига хослиги енгиллигида, — дейди И.Юсупов. — Бугун ўнлаб хунармандлар

мана шу услубда кулолчилик маҳсулотларини ясамоқда, кулоллар ўртасида соғлом рақобат кучаймоқда. Маҳсулотларимиз беазага, унинг кўзга ташланувчи ёрқин ранглари катта эътибор қаратамиз.

Ёш уста ўз билим ва кўникмаларини кулолчиликда қўллаб, бу йўналишни янада такомиллаштириш йўлида изланмоқда. Хусусан, маҳсулотлари ассортиментини янада кўпайтириб, ҳайкалларни нафақат безак, балки рўзғорда ҳам асқотадиган буюмга айлантириш йўлида изланмоқда. Бу ихчам ҳайкалчалар чойнак, турли буюмлар солиб қўядиган идишлар вазифасини ҳам бажариши мумкин.

Бугун Матлуба опа хунарини ўғли давом эттираётганидан, ишини қўлидан олганидан, шу билан бирга, оила-сига ҳам, эл-юртига ҳам наф келтираётганидан мамнун. Ўз қадр-қимматини англаб, эртанги кунга ишонч билан яшаётганидан хурсанд.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.
СУРАТДА: хунарманд
Ислон Юсупов.
Ёлқин ШАМСИДДИНОВ
(ЎЗА) олган сурат.



Vatan manzaralari

Кеча ва бугундан сўзлар суратлар

Шундай пайтлар бўлганки, шаҳарларнинг гўзаллигини булутларга бўйлашадиган бинолари, трамвай, троллейбус, метрополитен, автобуслари билан ҳам ўлчашган. Қайси шаҳарда баланд-баланд уйлар бўлса, улар ҳамманинг эътиборини тортган. Бугун-чи? Уша мезонлар ҳалиям амалдами?

Албатта. Аммо гўзалликнинг азалий мезонлари — озодалик, яшиллик (худуднинг қай даражада кўкаламзорлаштирилгани, боғ-роғлари), ҳавосининг мусаффолиги бугун ҳаммасидан кўра муҳимроқ, яхшироқ мезон саналади. Пойтахтимиз Тошкент бугун дунё шаҳарсозлигининг энг нодир дурдоналаридан бирига айландики, унинг замирида шаҳардаги беқийёс меъморий ўзгаришлар билан бир қаторда, ундаги экологик ҳолат, дарах-тзору фаввораларнинг кўпайгани, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга қаратилган катта эътибор мужассамдир.

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўрғазмалар залида намойиш этилаётган «Тошкент: кеча ва бугун» мавзудаги кўрғазмани томоша қилган киши пойтахтимиздаги ана шундай улкан ўзгариш ва янгилашлар ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлиши аниқ. Кўрғазмага етмиш икки нафар муаллифнинг ранг-тасвир асарлари, Тошкент тарихига оид 150 га яқин, замонавий қиёфаси акс этган 160 дан ортиқ фотосуратлар кўйилган. Улар пойтахтимизнинг кечаги ва бугундан сўзлайди.

Кўрғазма 10 августга қадар давом этади.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолавҳаси

О'rnakka munosib

Янгиликни яхши кўрадиган етакчи

Бугун юртимизнинг қай бир ҳудудда бўлманг, спорт, илм-фан, маданият ва ижтимоий соҳаларда кўплаб муваффақиятларга эришаётган ёшларни кўрасиз. Тенгдошимиз Аброр Раҳматов ҳам ана шундай ёшлардан.



Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Аброр Раҳматов бир неча йилдан буён институти ёшларини бир куч атрофида бирлаштиришга интилиб келяпти. У талабалик давридаёқ ўзининг тиришқоқлиги, изланувчанлиги ҳамда юксак салоҳияти билан устозлар меҳрини қозонган.

— Болалигимдан ҳар бир дақиқани қадрлашга одатланганман, — дейди Аброр Раҳматов. — Шу сабаб китоб ўқишми, бирор фойдали юмуш билан машғул бўлишми, спорт билан шуғулланишми — барчасига вақтни тақсимлаб чиқаман.

Тенгдошимиз ёшлар билан ҳамфикр бўлиб ишлаш баробарида ўзи ҳам тиниб-тинчимайди. Шунданми, атрофидагиларни ҳам мана шу руҳ ва жўшқин кайфиятда ҳаракат қилишга ундайди.

— Етакчимиз ҳар доим янгиликка интилиб яшайди, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси Шоғдор Абдураимов. — Бирор тадбирни ташкил этишдан олдин талабалар фикри билан қизиқади. Биз, талабалар ҳам ўз таклифларимизни, қизиқишларимизни билдирамиз.

Бошлаган ишини якунига етказмас

тинчимайдиган етакчи институти талаба-ёшларининг ҳақиқий маслаҳатгўйи, маслақдошига айланган. Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти томон йўлингиз тушса, бир кузатинг. Аброр Раҳматовнинг қандайдир ташаббус ёки лойиҳа устида ишлаётганини кўрасиз.

— Албатта, инсон қаерда бўлмасин, ўзининг улкан иштиёқи ва тинимсиз ҳаракати билан юксак марраларни забт этиши мумкин, — дейди Аброр Раҳматов. — Мен ҳам ўз олдимга доим катта мақсад ва шиорлар қўйиб яшайманки, ташаббус, иштиёқ ва масъулият ҳаммиша мен билан ёнма-ён юради.

Институти етакчиси «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мактаби», Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондининг «Менеджер» лойиҳаси, «Келажак овози» танловининг голиблик дипломлари, Ижтимоий лойиҳалар яратиш ва уни бошқариш кенгашининг тренерлик сертификати билан тақдирланган. Жорий йилда Хоразм вилоятида бўлиб ўтган «Талабалар баҳори» ёшлар фестивалида қатнашиб, махсус сертификатга эга бўлди.

Ақбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ

Фарзандлари СОҒЛОМ юрт



Sog'lom ona — sog'lom bola

Tuman boylik

публикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2012 — 2014 йиллар мобайнида олис қишлоқ аҳоли пунктларида 102 та қишлоқ врачлик пункти (ҚВП)ни барпо этиш белгиланган. Бундай тиббий муассасалар республикада муассасалар сақлаш тизимида аввал ҳам мавжуд бўлса-да, аммо амалда аҳоли учун тиббий хизматлардан тез ва қулай фойдаланиш имкониятини бермасди. Эндиликда вазият кўп жиҳатдан ўзгарди. Бугунги қишлоқ врачлик пунктларини тубдан янгиланган қиёфада кўришимиз мумкин.

Масалан, Хоразм вилоятининг Янгибозор туманидаги «Хоразм» қишлоқ врачлик пункти 1999 йилда мукамал таъмирдан чиқарилиб, 2004 йилда «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Айти пайтда ушбу ҚВП Башқирших қишлоғининг 5,5 мингга яқин аҳолисига хизмат кўрсатмоқда.

— Илгари муассасамизда лаборатория хонаси умуман йўқ эди, — дейди «Хоразм» ҚВП мудираси Зайнаб Каримова. — Врачлар ҳам етишмасди. Ҳозир шароитимиз яхши. Давлат бюджети ҳисобидан замонавий лаборатория жиҳозлари, янги физиотерапия ва ЭКГ аппаратлари харид қилиниб, иссиқ ва совуқ сув тизимлари ўтказилди. Бундай шароитларда касалликларни тўлиқ ва тўғри ташхислаш, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, қон ва бошқа турдаги таҳлилларни амалга ошириш имкониятига эгамиз. Натижада охириги йилларда турли хасталиклар, хусусан, аҳоли орасида кўп учрайдиган ўткир респираторлик касалликлари, гипертоник касалликларнинг оғир шакллари ва асоратларини бартараф этишга эришдик. Охириги уч йил ичида эса қишлоғимизда оналар ва болалар ўлими умуман қайд этилмади.

2011 йили Ўзбекистон «Болаларни асрайлик» халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингига болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор етакчи ўнта мамлакат қаторидан ўрин эгаллади. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича юртимизда тўпланган тажриба эса халқаро ташкилотлар томонидан минтақадаги намунавий модел сифатида эътироф этилмоқда. Ўз навбатида, бугунги кунга келиб «Соғлом она — соғлом бола» тамойили минглаб юртдошларимизнинг турмуш тарзи, онгу шуурига барқарор сингиб улгурди. Бинобарин, энди ҳар биримиз юртимизда инсон олий қадрият, унинг саломатлиги эса энг катта бойлик эканини теран англаб турибмиз. Шунинг ўзи ҳам катта ютуқдир.

Наргиза УМАРОВА,
«Turkiston» мухбири.
Сардор Муллажонов
олган сурат

Инсон ҳамиша тетик, саломат юриши мумкинми? Нега мумкин эмас, дейишади барча шифокорлар, соғлом турмуш тарзига риоя қилса, бадан-тарбия билан шуғулланса, ўзига ато этилган бебаҳо неъмат — ҳаётининг қадрига етиб яшаса, албатта, узоқ ва мазмунли умр кечиради. Бироқ буларнинг бари бир кишининг ўзига боғлиқ жиҳатлар. Инсон саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган бошқа омиллар ҳам бор. Хусусан, тиббиёт масканлари.

ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида барча зарур шароитларга эга шифохоналар, қишлоқларда врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда. «Саломатлик — 2», «Саломатлик — 3» лойиҳалари асосида тез тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам аҳоли саломатлиги йўлида тиббиёт ходимлари тинимсиз меҳнат қиляпти.

Шеробод туманидаги «Нуриддин Муродов» қишлоқ врачлик пункти ходимлари ўн бир мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади. «Саломатлик — 2» лойиҳаси доирасида бу ерда стоматология, гинекология, лаборатория ва зарарсизлантириш хоналари керакли барча жиҳозлар билан таъминланган.

— Авваллари қабулимизга келадиган беморларни қон таҳлили учун туман марказига жўнатардик, тиббий ускуналарни зарарсизлантириш учун ҳам кўп вақт сарфланар эди, — дейди мазкур ҚВП мудираси, олий тоифали умумий амалиёт шифокори Абдураззоқ Ташанов. — Бугун эса бу каби ишлар ўзимизда, замон талабларига мос равишда қилинади. Чунки бунга шароит ва имкониятимиз бор.

ҚВП ходимлари томонидан аҳоли ўртасида соғлом муҳит, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида суҳбатлар тарғибот, ташвиқот ишлари олиб борилади. Айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшлар соғлигини доимий назорат қилиб бориш, касалликларнинг олдини олиш, фертил ёшидаги аёлларни доимий кўриқдан ўтказиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Мақсадимиз битта: ҳар бир инсоннинг тани-жони соғ бўлсин, дейишди ҚВП ходимлари.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Оммавий эпидемиялар ер юзиде миллионлаб одамлар ва ҳатто бутун бошли цивилизацияларни йўқ қилиб юборгани тарихдан маълум. Даҳшатли касалликлар беҳисоб гўдакларнинг ҳаётига зомин бўлганини ҳам биламиз. XXI асрда яшасак-да, бу каби мудҳиш ҳолатларга ҳамон бас келолмаётган, шунинг оқибатида ҳар йили юзлаб болаларнинг ўлими қайд этилаётган мамлакатлар, афсуски, дунёда учраб турибди. Сабаблар турлича. Улар қаторида сифатли медицина, аҳоли турмушининг фаровонлиги, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишдек муҳим омиллар ҳам бор.

Мустақиллик даврида юртимизда гўдаклар ўлими 3,2 маротаба, оналар ўлими 3,1 маротаба қисқарди. Айтишга осон рақамлар. Ўзбекистон бундай натижага атиги йигирма йил ичида эришгани эса, жаҳон жамоатчилигини янада ҳайратга солиши табиий. Соляпти ҳам. Халқаро экспертлар буни Ўзбекистоннинг ўзига хос феноменал тажрибаси, дея аташмоқда. Илмий доираларда мазкур тажриба оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг миллий модели сифатида эътироф этилди. Унинг бош ғояси «Соғлом она — соғлом бола» тамойилида ўз ифодасини топган.

Аслида, мазкур тамойил замирида катта мақсад ва чуқур ўйланган сиёсат ётибди. Бу — соғлом насли дунёга келтириш мақсади. Ҳар қандай давлатнинг дунёда мавжуд бўлиши, миллатнинг эса миллат сифатида сақланиб қолиши, яъни авлодлар давомийлиги масаласи айнан шу жиҳатга боғлиқ. Чунки фақат соғлом, нуқсонсиз туғилган болалардангина пировард натижада соғлом авлод шаклланиди. Улар ҳам жисмоний имкониятлари, ҳам интеллектуал салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиш, баркамол шахс сифатида вояга етиш ва эртага ўзлари ҳам соғлом зурриётларни дунёга келтиришга

қодир ёшлардир. Содда қилиб айтганда, бизнинг саломатлигимиз нечоғли соғлом бўлиб дунёга келишимиз билан белгиланади. Эътибор берайлик, мамлакатимизда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Яъни Ўзбекистонда дунёга келаётган ҳар бир гўдакнинг соғлом бўлиб туғилишига давлатнинг ўзи ғамхўрлик қиладди, бунинг учун барча керакли шароитларни муҳайё этади, ташкилий масалаларни ҳал этиш вазифасини ҳам ўз зиммасига олган. Юртимизда бўлғуси оналарга ҳомиладорликнинг эрта давридан, туғилган чақалоқларга эса ҳаётининг илк кунлариданоқ малакали тиббий хизматдан фойдаланиш учун барча шароитлар яратилган. Биргина мисол. Бугунги кунда мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган янги скрининг марказлари болаларнинг ирсий хасталиклар ҳамда бошқа турли нуқсонлар билан туғилишининг хавфини камайтириш имконини бермоқда. Бундай марказларни ташкил этиш учун ҳукумат томонидан махсус «Она ва бола скрининги» Давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. Боз устига, скрининг марказларининг тўлиқ давлат бюджети ҳисобидан замонавий тиб-

бий асбоб-ускуналар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлангани ҳам алоҳида эътиборга молик жиҳатдир.

Ҳомиладор аёллар ўртасида олиб борилаётган тизимли профилактик тадбирлар, хусусан, уларни поливитамином билан таъминлаш ҳар йили 400 минг нафар ҳомиладор аёлни соғломлаштириш ва демек, соғлом болаларни дунёга келишида ижобий самарасини бермоқда. Яна бир факт. Мамлакатимизда болаларнинг 98 фоизидан ортиги олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши мунтазам равишда ва ўз вақтида эмланади. Сўзимизни бежиз эпидемиялар тўғрисида бошламадик. Айнан эмлаш эпидемияларга қарши курашишда муҳим профилактик тадбир эканини унутмаслик лозим. Юртимизда гўдаклар ўлими ўз-ўзидан қисқармагани, бунга қанчадан-қанча куч ва сармоя сарфланганини энди англаб тургандирсиз?

Дарвоқе, сармоя ҳақида. Сир эмаски, мамлакатимизда бюджет маблағларининг салмоқли қисми ижтимоий соҳага йўналтирилади. Бу жиҳатдан ҳам Ўзбекистонни дунёдаги камдан-кам давлатлар билан қиёслаш мумкин. Ўтган йили давлат харажатларининг 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш учун ажратилган эди. Шулар ҳисобидан юртимизда кўплаб тиббиёт муассасалари: қишлоқ врачлик пунктлари, шифохоналар, амбулатория-поликлиникалар қурилди, таъмирланди ва қайта жиҳозланди.

Мамлакатимиз аҳолисининг муайян қисми қишлоқ жойларда истиқомат қиладди. Демак, малакали тиббий хизматни қишлоқларга олиб кириш оналар ва болалар саломатлиги борасида қайғураётган Ўзбекистон учун айти долзарб масаладир. Ўзбекистон Рес-

Элликқалъада санъат фестивали

Мамлакатимизда ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни излаб топиш мақсадида ташкил этилаётган турли санъат фестиваллари, кўрик-танловлар яхши самаралар бермоқда. Уларда янгидан-янги ёш истеъдод эгалари кашф этилмоқда.

Шундай маданий тадбирлардан бири Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган «Нафосат — бўстони маним» санъат фестивалидир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Элликқалъа тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур санъат фестивалининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Отабек Мусаев, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси қўмита раиси Баҳамдулла Нурабуллаев, Ўзбекистон Республикаси Баста-

корлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиева ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ёшларга қаратилаётган улкан эътибор, уларнинг ўз истеъдодини намоён қилиши учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида тўхталди.

Ўзбекистон халқ артисти Отажон Худойшукуров хотирасига бағишлаб саккизинчи марта ўтказилаётган мазкур санъат фестивалининг доираси янада кенгайиб, анъанавий ижрочилик, опера ва эстрада санъати, бахши-жировлар беллашуви ташкил этилди, амалий санъат намуналари намойиш этилди.

— Ушбу фестивалнинг нуфузи ва иштирокчилари



сони йил сайин ортиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев. — Олдинги фестивалларда иқтидорли ёшлар санъатнинг етти жанри бўйича ўз истеъдодини намоён қилган бўлса, бу йил 250 нафарга яқин ёшлар ора-

сидан саккизта номинация бўйича ғолиблар аниқланди.

Фестиваль доирасида халқ хунармандчилиги ва амалий санъат намуналари кўргазмаси намойиш этилди.

Фестиваль ғолибларига махсус диплом ва пул мукофотлари топширилди. Санъ-

ат ва маданият байрами Қорақалпоғистон Республикаси санъат усталари ва фестивал ғолиблари ижросидаги концерт дастури билан якунланди.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА муҳбири

Dildagi so'z

Ҳар бири жонга пайваста



Баъзи сўзларни эшитганда, бутун вужуд роҳатланиб, руҳ ором олади. Ҳаётдан мамнун бўлиб кетасан. Аввалига, отангнинг «арслоним», онангнинг «болажоним», опангнинг «укажоним», деган сўзлари дилга шундай ҳузур бағишлайди.

Йиллар ўтади, ўзинг ҳам ака, тоға, ота бўласан. Энди сен синглингнинг «суянган тоғ»и, акангнинг «қанот»и, дўстингнинг «қадрдон»ига айланасан. Ўзинг ҳам оила қуриб, бир сулув аёлнинг «қалқон»и, устозларнинг «зукко шогирд»и, болаларингнинг «отажон»и бўласан.

Булар қандай сеҳрли сўзларки, кучингга куч қўшади. Уларнинг биттагинасини эшитганигда ҳам ўзингни камида тоғ чўққилари қадар юксалгандек ҳис қиласан! Сабаби оддий: уларнинг ҳар бири жонингга пайваста бўла-

ди. Улар шундай сўзларки, ҳар бир ҳарфи-товушида ватан юраги уриб туради.

ХАЛҚИМ, ДЕБ ЯШАСАНГ...

Киши бу ҳаётга бир марта келар экан, умрини эзгу ишларга сарфламоғи керак, дейилади ҳикматларда. Яхшилик қилишга, хизмат қилишга энг муносиб ким? Албатта, халқ. Халққа хизмат қилиш, бу — юртга хизмат қилишдир.

Йигит бўлсанг арслон каби туғилган, Танбал бўлмай хизмат этгил халқ учун, — дея Бердақ шоир элнинг энг жасур, мард ўғлонларига мурожаат қилган.

Ҳадемай, улуг айёмни нишонлаймиз. Шу юртни юртим деган ҳар бир инсон юрагида унинг равнақи учун хизмат қилиш нияти борлигига шубҳа йўқ. Зотан, Ватан деб, халқим деб яшаган инсонларнинг йўли ҳамини очиқ, юзлари ёруғ бўлади.

Зафар ХАНИЯЗОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси

Lavha

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Сарийосиё тумани кенгашининг ўқув, спорт-техник клуби мустақиллигимизнинг 22 йиллигига бағишлаб маданий-маърифий тадбирлар ўтказаяпти. Жумладан, ҳар пайшанба куни ишчи-ходимлар ва ҳайдовчиликка номзодлар ўртасида «Маънавият соатлари» дарслари ташкил этилмоқда.

Юрт таянчи

Ташкилот ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, сохта диний ғоялар ва ақидапарастликка қарши мустаҳкам тафаккурни шакллантириш мақсадида маҳалларда, мактаб ва касб-хунар коллежларида турли мавзуларда давра суҳбатлари ўтказиб келаяпти. Шунингдек, «Ватанпарвар» ташкилоти оромгоҳларда ҳам ўқувчиларнинг ёзги таътил кунларини мароқли ўтказиш учун туман «Камолот»чилари билан ҳамкорликда спортнинг техник ва амалий турлари бўйича спорт тадбирларини ташкиллаштирмоқда.

Бундай ишларни Музработ автомоҳаскорлар кўнгилли жамияти мактаби мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Бугун мактабда «В», «В, С» тоифалари бўйича автомоҳаскорлар таҳсил олади. Шу кунга қадар икки юз нафарга яқин ёшлар ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлди. Ўқув даргоҳида таълим-тарбия ишлари билан биргаликда ёшларни спортга жалб этиш бўйича ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Музработ тумани кенгаши билан ҳамкорликда «Ёш чегарачилар» ва «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаларини ўтказиб келаяпмиз, — дейди Музработ автомоҳаскорлар кўнгилли жамияти раиси Асқар Ҳамроев. — Бугун Ватанимизнинг фидойи ва жонкуяр фуқаросиман, деган ҳар бир инсон ёшлар тарбиясига, уларни ватанпарвар, юртга садоқатли этиб вояга етказишда ўз ҳиссасини қўшиши керак. Қутлуғ сана олдидан бир қанча тадбирлар ўтказишни режалаштириб олганмиз.

Айни кунларда воҳада байрам шуқуҳи кезиб юрибди. Бугун сурхондарёликлар «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида кўп хайрли ишларни қилишни дилга тугиб қўйишган.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Ерни сийлаганни эл сийлар

Мамлакатимизда фермер хўжаликлари иқтисодий-мизнинг асосий таянчларидан бирига айланмоқда. Фермер бой бўлса, мамлакат обод, юрт фаровон бўлади. Бекобод туманидаги «Комилжон» фермер хўжалиги бугунги кунда иқтисоди тобора мустақамла-ниб бораётган хўжаликлардан.

Нормахмат ака ишнинг кўзини биладиган тажрибали мутахассис. Деҳқончилик соҳасида орттирган кўп йиллик тажрибаси унинг фермерлик фаолиятида жуда қўл келди. 1997 йилда ташкил этилган фермер хўжалиги дастлабки йили йигирма гектар ерга эга эди, холос. Уша йили пахтадан 26,5 центнер, ғалладан эса ўттиз беш центнердан ошириб ҳосил олишди.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси билимдони Нормахмат Раҳмонов ўзига тегишли ердан оқилона фойдаланишга интилди. Ерни мелиоратив ҳолатини яхшилади. Қўшимча техника воситаларини сотиб олди, зарур техник жиҳозларга эга бўлди.

Албатта, деҳқончилик ўз-ўзидан гуркираб кетадиган соҳа эмас. У деҳқондан тинимсиз изланиш, меҳнат талаб этади. Ерни тўйдирсанг, тўйдирар, чиройини очсанг, кийдирар, деганларидек, ерга қанчалик ишлов берилса, агро-техник тадбирлар ўз вақтида ўтказиб борилса, ҳосилдорлик ҳам ошиб бораверар экан. Буни яхши тушунган фермер хўжалиги меҳнаткашлари барча ишларни рисоладагидек олиб боришди.

Ҳозирда «Дўстлик» фермерлар уюшмасида жой-

лашган «Комилжон» фермер хўжалигининг 56 гектар ери бор. Унинг 30,2 гектарида пахта, 25,8 гектарида ғалла етиштирилади.

— Бугун биз, деҳқон-фермерларга халқимиз катта ишонч билдирапти, — дейди Нормахмат ака. — Эндиликда ўзимиздаги бор билим ва тажрибаларни ёшларга ҳам ўргатяпмиз. Ўғлим Комилжон ҳам фермерликни танлади. Бундан бошим осмонга етди.

Дарҳақиқат, «От ўрнини той босар», деганларидек, Нормахмат аканинг ўғли Комилжон ота изидан борди. Отаси нафақага чиққач, бундан уч йил муқаддам фермер хўжалигини ўзи мустақил бошқара бошлади. Бу борада унга олий маълумотли иқтисодчи экани жуда асқотди. Отасидан ўрганган билим ва тажрибаларни замон билан уйғунлаштира бошлади.

Ёш ва ғайратли Комилжон етакчилигидаги фермер хўжалиги аъзолари ишни бир маромда, агро-техник тадбирларга қатъий риоя қилган ҳолда олиб боришяпти. Албатта, бу ўз самарасини беряпти. Жорий йилда фермер хўжалиги ғалладан 62 центнердан ошириб ҳосил олди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 55



центнерни ташкил этган эди.

Айни кунларда пахта далаларида иш қизгин. Ғўза қаторларига пешма-пеш ишлов берилляпти, шарбат суви оқизилмоқда. Фермерлар август ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой эканини яхши билишади ва шунга қараб астойдил ҳаракат қилишяпти. Мурод Омонов, Пўлат Файзиев, Қилич Раҳмонов сингари сувчилар, Санобар Нуралиева, Олтиной Омонова, Холбуви Жўраева, Сайдулла Ирисалиев сингари чоликчилар меҳнати унумли бўлмоқда.

Албатта, меҳнат қилгандан кейин моддий манфаатдорлик ҳам шунга яраша бўлади. Ўтган йили пахтадан 34 центнердан

ҳосил олинган бўлса, бу йил қирқ центнерлик марра кўзланмоқда. Умуман олганда, мазкур хўжалик бу йил ғалладан ўттиз миллион сўм соф даромад олган бўлса, пахтадан олти миш миллион сўм фойда олиш кутиляпти.

— Режаларимиз катта, — дейди Комилжон Раҳмонов. — Фермер хўжалигимиз учун чорвачиликни ривожлантириш мақсадида юз гектар ер кўшиб олмоқчимиз. Шунда имкониятимиз янада кенгайди.

Ҳақиқатан ҳам фермерларнинг шашти баланд. Улар юрт ободлиги, халқ фаровонлиги учун астойдил бел боғлашган.

Ашуралӣ БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Tadbirkor — yurtga madadkor

Қишлоқда замонавий цех

Инсон меҳнати билан элда азиз. Бугун юртимиз равнақиға ўз ҳиссасини қўшаётган бобон дейсизми ёки чорвадор, касаначию ишлаб чиқарувчининг юрт ичра обрўйи баланд, қадди тик, сўзи ўткир. Ибрат олгулик фаолиятидан бир шингил ҳикоя қилмоқчи бўлаётганимиз «Муҳаммаджон» фермер хўжалиги раҳбари Муҳаммаджон Холматов ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаётган, она Ватанимизнинг эртаси учун сидқидилдан жон куйдираётган, ишнинг кўзини биладиган ишбилармон тадбиркорлардан.

Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги Сартол қишлоғида туғилган Муҳаммаджон Холматов ёшлигидан атроф-оламга, ҳайвонот ва қушлар оламига меҳр қўйган. Бугун ёш, аммо катта тадбиркор. Тўғриси, унинг бу борадаги истеъдоди мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ маълум эди. Гап шундаки, дарсларда доим ҳозиржавоб, билимдон бўлишдан ташқари, бошлаган ишини маромига етказмагунча тиниб-тинчимайдиган, ғайрат-шижоатли Муҳаммаджон мактабда «жонли бурчак» ташкил қилганди. Қўқон давлат педагогика институтини аъло баҳоларга битириб келгач, бу бурчакни «тирик ҳайвонот ўқув хонаси»га айлантирди. Муҳаммаджон Холматов ўқитувчилик ва тадбиркорликни бир вақтда давом

эттириб, ҳар иккисида ҳам ёшларга ибрат кўрсатди.

Дастлаб тадбиркорликни ўз ҳовлисида кундуз ва ондатра етиштиришдан бошлаган тадбиркор изчиллик билан фаолиятини кенгайтириб борди. Унинг саъй-ҳаракатлари туман раҳбарларига ҳам маъқул келиб, боқилаётган жониворларга озуқа етиштириш учун икки гектар ер ажратилди. Бугун «Муҳаммаджон» фермер хўжалигида кундуз ва ондатра териларидан сифатли ва хилма-хил телпақлар ишлаб чиқарилади. Оила аъзолари меҳнат қиладиган, қолаверса, маҳалладаги ёшлар ҳам жалб этилган, жами 22 иш ўрнига эга бўлган мазкур цехнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари нафақат туман, балки вилоятда ҳам машхур, харидоргирдир.

— Тадбиркорлик қиламан, деган одам учун бугун катта имкониятлар яратилган. Биз ҳам бундай шароитлардан унумли фойдаланаяпмиз. Лекин ишбилармон киши бир жойда тўхтаб қолмаслиги, янги марраларга интилиши, фаолиятини кенгайтиришга ҳеч бир имкониятни қўлдан бой бермаслиги керак. Фермер хўжалигимизда янги иш ўринлари яратиш, ўсимлар учун турли тери ва хилма-хил бичимдаги бош кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз, — дейди Муҳаммаджон ака.

Савобталаб қаҳраонимиз Муҳаммаджон ака меҳнати ордидан доим халқимиз манфаатдор бўлишини истади. Шу мақсадда у киши Сартол қишлоғи ёшларини доим қўллаб-қувватлаб, кўрсатган яхши натижалари учун рағбатлантириб туради. Ўз ҳисобидан стипендия жорий этиб, иқтидорли ёшларни янада ўз устида ишлашга, изланишга, янгиликка ундайди. Қўл остида ишлайдиган ёш ишчиларга эса касб сирларини сидқидилдан ўргатмоқда.

Нилуфар ҲАЙИТОВА



Сири фoш бўлди

Хитойнинг Гуанчжоу вилоятидан Пекинга учаётган самолётда ҳайвонларни олиб кетиш мумкин бўлмасда, Ли исми киши бунга антиқа йўл билан уриниб кўрди.

Яъни у ҳамбургер нонлари ўртасига тошбақани солиб олди. Режа аввалига иш бергандек кўринди. Унинг тирик «ҳамбургер»ига бирорта хавфсизлик ходими эътибор бермади. Бироқ текширувлар сўнггида Лининг барча юклари қатори егулиги ҳам рентген текширувидан ўтказилди. Текширув эса ҳеч қандай қийинчиликсиз икки нон ўртасида беркиниб олган тошбақани фoш этди. Ли севимли жонивори билан йиғлаб хайрлашганча дўстига омонат топширди.

Балиқларни безовта қилманг

Швеция ҳукумати ресторан ва клубларда аквариум бўлса, муסיқа овозини белгиланган меъёрдан оширмаслик ҳақида қарор қабул қилди.

Ҳозир мамлакатнинг деярли барча овқатланиш ва кўнгилочар масканларида аквариумлар мавжуд. Одатда, бундай жойларда муסיқа овози 100 децибелга етади. Овоз 65 децибелдан ошгандан сўнг балиқларнинг ҳалок бўлиш эҳтимоли ҳам ортади. Швецияда аквариумдаги балиқларга миқдорларнинг эътибори катта бўлгани учун клублар балиқлардан воз кеча олмади. Ҳукумат қонунни бузганларнинг аквариуми олиб қўйилиши билан бирга, катта миқдорда жарима тўлашини эълон қилди.

Яхши янгилик

Германиянинг «Volkswagen» автоконцерни ўз моделлари учун янги «CAR-NET» дастурини ишлаб чиқди.

Энди «Jetta», «Passat», «Tiguan», «CC», «Beetle» ва «Eos» каби сериядаги моделлар учун масофавий пулт керак эмас. Бундан буён улар қўл телефони ёрдамида ишлайди. Аниқроғи, телефон машина эшиклари ва юкхонасини очиш билан бирга, қишнинг совуқ кунларида моторни қиздириш имконини беради. Шунингдек, машинанинг ички ҳарорати, ёнилғи миқдори, фараларнинг ўчиқлиги, аккумулятор қуввати ҳам телефондаги дастур ойначасида кўриниб туради. Машина ўғирланса, телефон автоматик тарзда ўзи полицияга хабар юборади ҳамда машинанинг қаердалигини GPS навигаторлар ёрдамида аниқлаб ҳам беради. Ҳозирча дастур «Apple»нинг «iOS» операцион тизимлари учун мўлжалланган.

Кутилмаган қарор

Уругвай парламенти қуйи палатаси марихуанани қонунийлаштириш тўғрисида қонун лойиҳасини ишлаб чиқди.

Янги қонунни 96 депутатнинг 50 нафари маъқуллади. Агар қонун тўлиқ қўллаб-қувватланса, Уругвай нашани сотиш ҳамда етиштириш расман рухсат берилган биринчи давлатга айланади. Қонун ташаббускори — мамлакат президенти Хосе Мухика. Бунга бир қатор қўшни мамлакатлар қаршилик кўрсатишни бошлашди. Ҳозирга қадар гиёҳванд моддаларга Голландия ва Канадада қисман рухсат бор эди.

Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади



Hunar — zar

Кексаларимиз, хунар — хунардан зар унар, дейишади. Тенгдошимиз Сарвиноз Низомиддинова ҳам касб эгаси бўлиш билан биргаликда бирор хунар ўрганишни ният қилган. Шу сабаб пойтахтнинг Юнусобод туманида фаолият кўрсатаётган «Саришта бегойим» ўқув марказига қатнамоқда. Ҳозир у марказда бисерлик хунарини ўрганапти.

СУРАТДА: Сарвиноз Низомиддинова иш устида.

Сардор Муллажонов фотолавласи

7	8					9	Хаёт манбан	АҚШ (вилоят)	Мир...фр...бон	Тутқиқуш тури (Бразилия)	1	3					
6	1	3	8				Тена, юза	...астар	...шан, ...нақ		4	7	2	8			
		2	1								7	6					
				8	6		...рат, ...тидо			Куйён маъбуд (миф)	4	2		1			
9		7	2								3	1	6	4	8		
5	3						Шояд, кошқи эди	Жак ... Кусто (оксидо-граф)	Афзал, ортқиқ, яқши	Пьерауид жи ... тат ниқай ҳакам	9			3	4		
		2	1								5	8		2	4		
	5	4	1	9			Нота	...укубат, изтироб	Тоғи, бульдоғ		3		4				
4			7	3			Маблағ, запас	Билан	Жабр, зулм	Пилаа толас	Покиза	Мева тури	Дон кушан-даси	Қирол ... (пьеса)	Замин		
							Эй, оҳо, рад этти	Хоразмнинг қад-пойтахти						Хид, иффор	Юмуш, меҳнат		
														...-туб, ост	Хайрон қолиш		
							Ёмон, ярамас	Замбиядаги шаҳар	Фасл	Пакана от зоти				Рост	Тасдиқ		
										Хидсиз газ					Араб ҳарфи		
							Твен (адиб)	Нигериядаги шаҳар	Овирлик	Кичик юк кўтаргич авто				Момо, буви (шевада)			
							Рақам	«Қонг-қарсиз» баҳо	Йилни ҳайвон номи бўлиб аталгани	Ғилоф				Нина	«...шпа» (дори)		
7	5					8	Оқшом			Таянч	Халта		4	8	9		
5	3		2												8		
2		7		3					Йўтал товуши			1			2	7	
9	4			7								1	6	4	7	8	
3	1		5				Маншур автоком-паняя номи			Умумий, ҳамма	Номма-лум сон		5		7		
6		7	1	9								4	2			6	
4		9		1									1			7	9
8		2		6			Араб ҳарфи		Ёд хотира				9	6	3		
9		1	7														



Диққат, ЭЪЛОН!

Сиз соғлом турмуш тарзи тарафдоримисиз? Ундай бўлса, бизга қўшилмиз!

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни оммавий спорт турларига кенг жалб этиш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳаваскор велоспортчи ёшларни навбатдаги — VI анъанавий «Kamolot-tur» ёшлар веломарафонига таклиф этади.

Веломарафоннинг ҳудудий босқичи **жорий йилнинг 3-10 сентябрь кунлари** республика-мизнинг барча вилоятларида ўтказилади. Финал босқичига **14 сентябрь соат 10:00 да** Тошкент шаҳри Бектемир туманидаги «Роҳат» постидан старт берилади. Мусобақа иштирокчилари йигирма километрлик масофани босиб ўтадилар ва финиш чизигида, «Ёшлик — «Камолот» спорт мажмуасида мухлислар билан кутиб олинади.

Веломарафонда ҳаваскор ёшлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда барча йигит-қизлар иштирок этишлари мумкин.

Унутманг, асосийси мусобақада голиблик эмас, иштирокдир!

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати — экологик тоза транспорт тарафдори!

Батафсил маълумотларни 8(371) 241-01-61, (+99890) 252-99-97 рақамлари орқали ёки www.kamolot.uz сайтидан олишингиз мумкин.

ТАБАССУМ

АЛИЖОННИНГ ҲАЗИЛИ

Уйга меҳмон келганда меҳмонлар билан ўтирган ўғилчасини ойиси қойиб деди:
— Алижон, нима тилинг йўқми, дастурхоннинг ўртасига қўлингни чўзпасан?
— Тилим бор, фақат дастурхоннинг ўртасига етмайди-да!

ДОРИ «ЕЙДИГАН» КУЯ

— Мен устингиздан шикоят қиламан! Куяга қарши берган дорингиз ҳеч нарсага ярамас экан. Куя уни хузур қилиб еяпти.
— Унда ҳаммаси жойида, биродар. Куя дорини ейиш билан банд бўлса, кийим-кечак билан мутлақо иши бўлмайди.

YON DAFTARCHANGIZGA

Аччиғинг олдин юрса, Ақлинг кейиндан ошиб келсин.

Ўзбек халқ мақоли

МУАССИС:

«КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.



Бош муҳаррир:

Ашуrow Салим Тўраевич

Тахрир хайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Умарова Наргиза Баҳодировна

Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Корхона манзили: **«Буюк Турон» кўчаси, 41.**

Буюртма Г-843. Адади — 9388

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.25
ЎЗА якуни — 20.55

Офсет усулида босилган.